



КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ЎЗАРО УЗВИЙ ТАРЗДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Раҳмонқулов Илҳомжон

Гулистон давлат университети

ORCID: 0009-0006-0422-9648

developer.uzb@gmail.com

Аннотация. Миллий молия бозорининг барқарор ривожланиши корпоратив капитал шаклланишининг замонавий механизмлари ва қимматли қоғозлар бозорининг самарадорлиги билан узвий боғлиқдир. Ушбу тадқиқотда корпоратив молиянинг молиявий инструментлари билан капитал бозори инфратузилмаси ўртасидаги интеграция жараёнлари атрофлича таҳлил қилиниб, қимматли қоғозлар бозорининг инвестиция жараёнларига таъсири илмий асосда ёритилди. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий иқтисодий таҳлил, иқтисодий-статистик усуллар ва норматив-ҳуқуқий база таҳлилидан фойдаланилди. Натижалар корпоратив молия билан қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик капитал қийматини оптималлаштириши, корхоналарнинг инвестициявий имкониятларини кенгайтириши ҳамда миллий иқтисодиёт барқарор ўсишига хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатди. Бундай чоралар молиявий тизимнинг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаб, уни жаҳон стандартларига мос ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: корпоратив молия, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция муҳити, ликвидлик, институционал инвесторлар, корпоратив бошқарув, молиявий интеграция.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВЗАИМОСВЯЗАННОГО РАЗВИТИЯ КОРПОРАТИВНЫХ ФИНАНСОВ И РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ

Раҳмонқулов Илҳомжон

Гулистанский государственный университет

Аннотация. Устойчивое развитие национального финансового рынка тесно связано с современными механизмами формирования корпоративного капитала и эффективностью рынка ценных бумаг. В данном исследовании подробно проанализированы процессы интеграции между финансовыми инструментами корпоративных финансов и инфраструктурой рынка капитала, а также научно освещено влияние рынка ценных бумаг на инвестиционные процессы. В ходе исследования использовались системный анализ, сравнительный экономический анализ, экономико-статистические методы и анализ нормативно-правовой базы. Результаты показали, что взаимодействие между корпоративными финансами и рынком ценных бумаг может оптимизировать стоимость капитала, расширить инвестиционные возможности предприятий и способствовать устойчивому росту национальной экономики. Такие меры обеспечивают прозрачность и конкурентоспособность финансовой системы, а также способствуют её совершенствованию в соответствии с мировыми стандартами.

Ключевые слова: корпоративные финансы, рынок ценных бумаг, инвестиционная среда, ликвидность, институциональные инвесторы, корпоративное управление, финансовая интеграция.

PROSPECTS FOR THE INTERRELATED DEVELOPMENT OF CORPORATE FINANCE AND THE SECURITIES MARKET

Rakhmonqulov Ilkhomjon
Gulistan State University

Abstract. *The sustainable development of the national financial market is closely linked to the modern mechanisms of corporate capital formation and the efficiency of the securities market. This study provides a detailed analysis of the integration processes between corporate finance instruments and the capital market infrastructure, and scientifically highlights the impact of the securities market on investment processes. During the research, system analysis, comparative economic analysis, economic-statistical methods, and analysis of the regulatory and legal framework were employed. The results showed that the interaction between corporate finance and the securities market can optimize capital value, expand the investment opportunities of enterprises, and contribute to the sustainable growth of the national economy. Such measures ensure the transparency and competitiveness of the financial system and contribute to its improvement in line with international standards.*

Keywords: *corporate finance, securities market, investment environment, liquidity, institutional investors, corporate governance, financial integration.*

Кириш.

Глобал иқтисодиётда корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги узвий боғлиқлик миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозори молиявий ресурсларни жамлаш ва инвестиция жараёнларига йўналтиришда муҳим восита бўлса, корпоратив молия корхоналарнинг капитал тузилишини оптималлаштириш ва рискларни бошқаришда асосий аҳамиятга эга.

Ушбу мақолада илмий изланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади. Аввало, корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозорига оид назарий асослар ва замонавий илмий қарашлар ўрганилади. кейинчалик, халқаро тажриба ва миллий ислохотлар таҳлили орқали мавжуд ҳолат аниқланади. шундан сўнг, корпоратив молия билан қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги ўзаро таъсирни статистик маълумотлар асосида баҳолаш кўрсатилади. Сўнгги босқичда эса миллий молия тизимини такомиллаштириш ва бозорни жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.


Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозорини ўзаро уйғун ривожлантириш масаласи халқаро ва миллий иқтисодий тадқиқотларда кенг муҳокама этилмоқда.

Жумладан, Алам Асадовнинг 2023 йилда эълон қилинган илмий ишида Ўзбекистонда исломий молия инструментлари, хусусан сукук бозорининг истиқболлари эмпирик жиҳатдан ўрганилган. Ординал логит модели асосида олиб борилган таҳлил натижасида респондентларнинг 94,9 фоизи мазкур инструментга қизиқиш билдиргани, уларнинг 18,4 фоизи эса сукукни шартсиз харид қилиш ниятида эканлиги аниқланган. Муаллиф хулосасига кўра, бундай юқори талаб миллий молия бозорида янги молиявий инструментларни жорий этиш учун ҳуқуқий ва институционал асосларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади (Асадов, 2024).

Маҳаллий тадқиқотчи А.Каримовнинг 2024 йилдаги ишларида эса деривативлар бозорини ривожлантириш миллий молия тизими барқарорлиги учун муҳим омил сифатида таҳлил қилинган. Унинг келтирган статистик маълумотларига кўра,

Ўзбекистон Валюта биржасида 2023 йил январдан октябргача бўлган даврда 3 мингдан ортиқ битимлар амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати тахминан 3 миллион АҚШ доллариغا етган. Муаллиф ушбу кўрсаткичдан келиб чиқиб, деривативлар бозори ҳали тўлиқ ривожланмаганини ва унинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий-ташкилий механизмларни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди (Karimov, 2024).



1-расм. Сукук бозорига талаб, деривативлар бозори ҳамда фонд бозорининг инфратузилмалари кўрсаткичлари.

Шу билан бирга, Махмудов ва Жомуродов томонидан 2024 йилда ўтказилган тадқиқотда миллий капитал бозорининг институционал инфратузилмаси ва жаҳон молия бозорлари билан интеграция жараёнлари чуқур таҳлил қилинган. Муаллифлар келтирган рақамларга кўра, 2024 йилнинг апрель ойи ҳолатига бозорда 629 эмитент, 31 инвестиция активлари бошқарувчиси, 9 жамоавий инвестиция фонди, 47 инвестиция воситачиси ҳамда 816 мингдан зиёд депозитор фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳулосаларига кўра, эмитентлар сонининг кўпайиши ва инвесторлар базасининг кенгайиши фонд бозорининг ликвидлигини оширган бўлсада, акцияларда давлат улушининг юқори бўлиши корпоратив бошқарув самарадорлигига чекловлар қўймоқда.

Умумий таҳлил шуни кўрсатадики, халқаро ва маҳаллий тадқиқотларда корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Асадовнинг 2023 йилдаги иши исломий молиявий инструментларга бўлган юқори талабни кўрсатган бўлса, Каримовнинг 2024 йилдаги тадқиқоти деривативлар сегментидаги ривожланиш имкониятларини очиб берган, Махмудов ва Жомуродовнинг 2024 йилдаги изланишлари эса бозор инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати ва интеграция жараёнларини ёритган. Бундай натижалар корпоратив молия ва капитал бозори ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш ҳамда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш учун муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади (Асадов ва Турабоев, 2023).

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда корпоратив молия инструментлари ва қимматли қоғозлар бозори сўнгги йилларда босқичма-босқич шаклланиб, миллий иқтисодиётда муҳим роль ўйнамоқда. Бирламчи изланишлар шуни кўрсатадики, бозор ҳали ривожланишнинг дастлабки босқичида турсада, охириги 5 йил мобайнида бир қанча ижобий ўзгаришлар кузатилган.

Биринчи навбатда, корпоратив облигациялар бозори ҳажми 2019 йилда атиги 450 млрд. сўм бўлган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 820 млрд. сўмга, 2021 йилда 1,5 трлн. сўмга ўсган. 2022–2023 йилларда пандемия ва ташқи иқтисодий таҳдидларга қарамай, ўсиш суръати сақланиб қолди ва 2023 йил якунига келиб облигациялар жойлаштирилиши 2,3 трлн. сўмга етган. Бу тенденциядан кўриниб турибдики,

компаниялар учун узоқ муддатли молиялаштириш манбаларига талаб ортиб бормоқда (Элмирзаев, 2021).

Иккинчидан, акциялар бозорида ҳам жиддий силжишлар кузатилди. 2019 йилда акциялар чиқарилиши 0,2 трлн. сўм бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 0,8 трлн. сўмга етди. Бозордаги иштирокчилар таркибида институционал инвесторлар асосий улушни ташкил этган бўлсада, сўнгги йилларда хусусий инвесторлар сони ҳам ортиб борапти. Бу эса жамиятда молиявий саводхонликнинг ўсиши ва аҳолининг қимматли қоғозларга қизиқиши ошганидан далолат беради.

Учинчи муҳим жиҳат — бозорнинг сифат жиҳатдан ривожланиши. 2018 йилгача қимматли қоғозлар асосан давлат корхоналари томонидан чиқарилган бўлса, ҳозирда хусусий компаниялар ҳам облигациялар ва акциялар чиқариш орқали капитал жалб қилмоқда. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида замонавий электрон савдо платформалари жорий этилиб, инвесторлар учун шаффофлик ва шаёқланиш имкониятлари яратилди (Элмирзаев, 2020).


Мисол учун, миллий рақамли экотизим бўлган Uzum Ўзбекистон учун рекорд даражадаги 300 млрд сўмлик облигациялар чиқарилишини амалга оширди. Март ойида компания 25 фоиз купон ставкаси ва 2 йиллик муомала муддати билан облигацияларнинг биринчи чиқарилишини рўйхатдан ўтказганди. Бундай гаровсиз облигациялар чиқариш Uzumнинг Ўзбекистон қарз капитали бозоридаги биринчи қадами бўлди. Бу кўпроқ йирик институционал инвесторларга қаратилган бўлсада (масалан, энг йирик облигациялар пакетини хусусий банк сотиб олган), инвесторлар орасида суғурта компаниялари ҳам, жисмоний шахслар ҳам бор эди.

Uzum экотизимининг молиявий директори Никита Гуляев облигацияларнинг муваффақиятли жойлаштирилиши Узумга бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан деб таъкидлади. Ушбу сегмент янада жадал ривожланиши учун банклар каби институционал инвесторларни гаровсиз молиялаштиришдан фойдаланишга ундаш, шунингдек, корпоратив облигацияларга бизнесни молиялаштиришнинг муҳим воситасига айланиш имконини берувчи талаб қилиб олинган депозитлар бўйича ставкаларни пасайтириш муҳим аҳамиятга эга. Гуляев Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва Марказий банк қарз бозорини ривожлантириш учун кўп ишларни амалга оширганини айтиб ўтди (Мухитдинова, 2025).

Эмиссия тартиб-таомилларини соддалаштирди, битимларнинг шаффофлигини таъминлади, купон мукофоти бўйича солиқ имтиёзларини амалга оширди, бу айниқса банклар учун актуалдир. Бу қадамлар мамлакат иқтисодиётида ўсиш ва молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратади деб айтиш мумкин.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий қимматли қоғозлар бозори ҳали ривожланган мамлакатлар даражасига етмаган. Масалан, 2023 йилда Ўзбекистонда корпоратив облигациялар ЯИМнинг атиги “0,9%”ни ташкил этган бўлса, Россияда бу кўрсаткич 5,6%, Қозоғистонда эса 2,6% атрофида бўлган. Бу ҳолат миллий бозорда улкан истиқбол мавжудлигини ва капитал бозорини чуқурлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Сонлардан ташқари, сифат жиҳатдан таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда қонунчилик базасини такомиллаштириш, корпоратив шаффофликни ошириш ва халқаро стандартларни жорий этиш ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бирламчи изланишлардан кўринадики, инвесторлар учун бозор имкониятлари кенгаймоқда, аммо уларни амалга ошириш учун қатор ташкилий ва институционал ислохотлар зарур Хотамқулова, 2024



2-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ривожланиши (2019-2023).

Ўзбекистонда корпоратив молия тизими ва қимматли қоғозлар бозори ўзаро уйғун ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири – молиявий институтлар фаолияти самарадорлиги ва бозор инфратузилмасининг барқарор ишлаш даражасидир. Шу боис ушбу тадқиқот доирасида иқтисодий-статистик таҳлил усули асосида 2019–2024 йиллар кесимида мамлакат корпоратив молия сектори ва қимматли қоғозлар бозори динамикаси чуқур ўрганилди. Таҳлил жараёнида Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ва “Тошкент” республика фонд биржаси маълумотларидан фойдаланилди.


Бирламчи маълумотларнинг кўрсатишича, 2019 йилда қимматли қоғозлар бозорида айланма ҳажми 6,2 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йил якунида бу кўрсаткич 18,5 трлн сўмга етди. Шунингдек, корпоратив облигациялар улуши 2019 йилда жами бозорнинг 12,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2024 йилда 27,4 фоизгача ошгани кузатилди. Бу ўзгариш корпоратив молия механизмларининг ривожланаётгани ва акциядорлик жамиятлари учун ички капитал бозорининг тобора муҳим аҳамият касб этаётганини англатади.

Таҳлилда секторлараро қиёс қилинганда, молия, энергетика ва транспорт соҳаларида корпоратив молиялаштиришнинг қимматли қоғозлар орқали жадал ўсиши кузатилди. Масалан, 2020–2024 йиллар мобайнида молия сектори облигация чиқариш ҳажмини 3,5 баробарга оширган бўлса, энергетика соҳасида бу ўсиш 2,7 баробарни ташкил этди. Бу эса корпоратив молиялаштиришнинг тармоқлараро диверсификацияланаётганини кўрсатади(3-расм).

Статистик таҳлил шуни кўрсатадики, қимматли қоғозлар бозори ривожини билан тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда корпоратив молиянинг икки асосий тенденцияси шаклланмоқда:


1. ички капитал бозори орқали компанияларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш улуши ортиб бормоқда;
2. институционал инвесторлар – пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари бозорда фаол иштирок этишни бошламоқда.

Бундан ташқари, қиёсий таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистонда корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори интеграцияси ҳали тўлиқ шаклланмаган. Масалан, 2024 йилда жами ЯИМга нисбатан корпоратив облигациялар бозори ҳажми 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30–40 фоиз даражасида. Бу орқали Ўзбекистон бозорида улкан салоҳият мавжудлиги, аммо уни тўлиқ амалга ошириш учун ҳуқуқий, институционал ва инфратузилмавий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши зарурлиги аниқланди.



3-расм. Облигацияларнинг айланма хажми (2019-2024).

Олиб борилган иқтисодий-статистик таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозорини уйғун ривожлантиришнинг асосий драйверлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди: қимматли қоғозлар турларини диверсификация қилиш, электрон савдоларни янада такомиллаштириш, институционал инвесторлар улушини ошириш ва давлат кафолатлари иштирокини қисқартириш.



4-расм. Секторлар кесимида облигация чиқариш динамикаси.

Тадқиқот давомида 2019–2024-йиллар оралиғида Ўзбекистон капитал бозорининг ривожланиш суръатлари, хусусан қимматли қоғозлар айланмаси ва облигациялар бозорининг динамикаси ўрганилди. Статистик таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2019 йилда қимматли қоғозлар айланмаси нисбатан паст даражада бўлган бўлсада, 2020 йилдан бошлаб пандемия даврида инвесторларнинг хўфёна

иқтисодийдандан расмий молия бозорига йўналтирилган капитал оқими туфайли сезиларли ўсиш кузатилди.

Шу билан бирга, давлат облигацияларига бўлган талаб хусусий облигациялар бозорига нисбатан юқори бўлиб қолди.

Секторлар кесимида олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, 2021–2023-йилларда банк-молия сектори облигациялар чиқаришда етакчи ўринни эгаллаган. Бу эса, бир томондан, банкларнинг узоқ муддатли ликвидлик манбаларини шакллантиришга интилиши, иккинчи томондан эса корпоратив молия бозорининг ҳали тўлиқ ривожланмаганлигини англатади. 2024-йилда эса саноат ва қурилиш корхоналари томонидан облигация чиқариш ҳажмининг ошгани кузатилди, бу эса реал секторнинг капитал бозорига интеграциялашувини кўрсатади.

Таҳлил натижаларига кўра, умумий айланма ҳажми 2019 йилдан 2024 йилгача қарийб 2,8 бараварга ошган, облигациялар улуши эса 2019 йилдаги 27 фоиздан 2024 йилда 43 фоизга етган. Бу эса қимматли қоғозлар бозорида барқарор диверсификация жараёнлари бораётганини англатади.

Яна бир муҳим натижа шундан иборатки, облигациялар чиқарилишида давлат сектори устуворлигини сақлаб қолаётган бўлсада, 2023 йилдан бошлаб хусусий корпорациялар ҳам фаол иштирок эта бошлади. Шу жараён капитал бозорида рақобатни кучайтириб, инвесторлар учун инвестиция портфелларини янада диверсификациялаш имконини бермоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, танланган мавзу бугунги шароитда нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади, чунки таҳлиллар шуни кўрсатадики, мавжуд кўрсаткичлар динамикаси ижтимоий-иқтисодий омиллар, ташқи бозор босимлари ва ички бошқарув механизмларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса тизимнинг барқарорлиги ва ривожланиш суръатларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқот давомида қўлланилган статистик усуллар, қиёсий таҳлиллар ва назарий умумлаштиришлар асосида олинган натижалар шуни тасдиқладики, соҳада ижобий тенденциялар мавжуд бўлсада, уларнинг самарадорлиги етарлича юқори эмас, чунки мавжуд ресурслардан фойдаланиш кўп ҳолларда оптимал даражада ташкил қилинмаган, рақамли технологиялар имкониятлари тўлиқ сафарбар этилмаган ҳамда илмий ёндашувлар амалиётда кенг қўлланилмаган.

Шу муносабат билан ушбу тадқиқотнинг хулосалари шунни англатадики, келгусида барқарор ривожланишга эришиш учун инновацион бошқарув воситаларини жорий этиш, халқаро илғор тажрибаларни миллий шароитга мослаштириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини реал ҳўжалик фаолиятига интеграция қилиш зарур бўлади.

Таклиф сифатида эса, биринчидан, мавжуд статистик маълумотларни мунтазам равишда янгилаш ва уларни замонавий таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишлаш.

Иккинчидан, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий базани кучайтириш ва уни халқаро стандартларга яқинлаштириш.

Учинчидан эса, таълим ва илмий изланишларни амалиёт билан узвий боғлаш орқали малакали мутахассислар тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Натижада, ушбу тадқиқот натижалари нафақат илмий муҳит учун назарий қўшимча сифатида, балки амалиёт учун ҳам фойдали йўналишларни белгилаб берувчи асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

- Asadov, A. (2024) 'Empirical Analysis of Demand for Sukuk in Uzbekistan', *Economies*, 12(8), p. 220. MDPI. Available at: <https://www.mdpi.com/2227-7099/12/8/220>
- Asadov, A. and Turaboev, I. (2023) 'Prospects of Islamic Capital Market in Uzbekistan: Issues and Challenges', *International Journal of Islamic and Middle Eastern Finance and Management*. Available at: <https://ideas.repec.org/a/eme/imefmp/imefm-04-2022-0145.html>
- Ataniyozov, J. and Sayfullohon, N. (2022) 'Stock Market in Uzbekistan: Current Situation and Development Prospects', *British Journal of Multidisciplinary and Advanced Studies: Business and Management Sciences*, 3(1), pp. 1–10. <https://doi.org/10.37745/bjmas.2022.00121>
- Bonelli, M.I. (2023) 'Challenges and Strategies for Applying DCF Analysis in Uzbekistan's Frontier Market: A Case Study of JSC Uzmetkombinat', SSRN. Available at: <https://ssrn.com/abstract=4499749>
- Fataliev, K., et al. (2021) 'Stock Market Analysis with Text Data: A Review', arXiv. Available at: <https://arxiv.org/abs/2106.12985>
- Jonibekov, M.S. (2025) 'Challenges and Reforms in Uzbekistan's Capital Market Development Strategy', *EJBSOS*. Available at: <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/6124>
- Karimov, A. (2024) 'Development Prospects of the Capital Market Infrastructure', *Journal of Management and Economics*, 4(1), pp. 23–27. Available at: <https://eipublication.com/index.php/jme/article/view/1420>
- Khotamqulova, M.S.K. (2024) 'Modernization of the Financial Market in Uzbekistan and Its Development Prospects', *American Journal of Economics and Business Management*. Available at: https://www.researchgate.net/publication/384985029_Modernization_of_the_Financial_Market_in_Uzbekistan_and_Its_Development_Prospects
- Mukhitdinova, D. (2025) 'Development of the Stock Market and Emission Activity of Joint-Stock Companies in Uzbekistan: Trends and Prospects', *European Journal of Economics, Finance and Business Development*, 3(5), pp. 180–. Available at: <https://europeanscience.org/index.php/2/article/download/1435/1368/2771>
- OECD (2023) *Financing Uzbekistan's Green Transition*. OECD Report. Available at: https://www.oecd.org/.../financing-uzbekistan-s-green-transition_6ebf6b94/27d2489d-en.pdf
- uzcsd.uz (n.d.) "Қимматли қоғозлар депозитарияси". Results. Available at: <https://uzcsd.uz/results>
- uzse.uz (n.d.) "Тошкент" Республика фонд биржаси. Analytics. Available at: <https://uzse.uz/analytics>
- Yandiev, M. and Pakhalov, A. (2013) 'The Relationship Between Stock Market Parameters and Interbank Lending Market: An Empirical Evidence', arXiv. Available at: <https://arxiv.org/abs/1309.5703>
- Абдурахмонов, Қ.Х. and Абдурахмонов, А.Қ. (n.d.) *Корпоратив молия асослари. Дарслик*.
- Содиқов, А. (n.d.) *Инвестициялар ва молиявий инструментлар*.
- Элмирзаев, С. (2021) *Корпоратив бошқарув. Дарслик*.
- Элмирзаев, С. and Омонов, С. (2020) 'Ривожланган мамлакатларда дивиденд сиёсати таҳлили ва дивиденд аристократлари', *Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали*, 2 (апрел).